

ШАРТНОМА
(маҳсулот етказиб бериш тўғрисида)

“51” 03 _____ 2022 й.

342-сонли

Наманган шаҳри

Ушбу шартномани тузиб, имзо қўювчилар бир томонда “NAM ELEKTRO” МЧЖ номидан низоом асосида иш юритувчи А.Мухитдинов келгусида “Етказиб берувчи” деб номланади, иккинчи томондан “Namangan hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” АЖ номидан Устав асосида иш юритувчи Ж.Халилов, келгусида “Сотиб олувчи” деб номланади, ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1 “Етказиб берувчи” мазкур шартномага илова қилинаётган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган маҳсулотларни тафсилотли руйхатда (1-илова) белгиланган миқдорда ва муддатда маҳсулотларни (кейинги ўринларда матида “Товар” деб юритилади) етказиб бериш мажбуриятини олади, “Сотиб олувчи” эса ушбу товарни қабул қилиб олиш ва ўз вақтида ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Етказиб берувчи” “Сотиб олувчи” билан келишилган ҳолда товарни муддатидан олдин жўнатишга ҳақли. Муддатидан олдин етказиб берилган товар кейинги даврларда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритилади.

1.3. УЗРТСБнинг 28.03.2022 йилдаги лот №50411–сонли Протоколига асосан.

II. ТОВАРНИНГ БУТЛАНИШИ ВА СИФАТИ

2.1. Етказиб берилаётган товарлар ўз сифати ва бутланиши жиҳатидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган талаб (стандарт, техник шартлар ва ҳоказо) ларга жавоб бериши шарт.

2.2. Товарларни қонунда белгиланган барча сертификат ва давлат стандартлари (техник шартлар) бўйича тегишли ҳужжатларига мувофиқлиги «Етказиб берувчи» томонидан тўла қафолатланади.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА СУММАСИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича етказиб берилаётган товарларга тарафларнинг келишувига мувофиқ шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган баҳони келишув баённомасида (2-илова) белгиланган нархларга мувофиқ ҳақ тўланади.

3.2. Идишлар ва товарларни ўраш воситалари етказиб бериладиган товарлар баҳосига қиради ва “Сотиб олувчи” томонидан нархномага ёки ўзаро келишувга мувофиқ тўланади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича етказиб берилиши лозим бўлган товарларнинг умумий суммаси 174 550 000 (Бир юз етмиш тўрт миллион беш юз эллик минг) сумми ташкил этади.

**IV. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ВА
ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ**

4.1 “Сотиб олувчи” оладиган товар суммасининг 30 фоизини олдиндан амалга оширишни, қолган қисмини товарни олгандан сунг 90 кун мобайнида тулаб беришни ўз зиммасига олади.

4.2. Тулов тартиби “Сотиб олувчи” “Етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тўлов тартиби томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилиши ҳам мумкин бўлади.

4.4. “Етказиб берувчи” мазкур шартноманинг 4.1-бандида курсатилган аванс пул маблағини утказиб берган кундан бошлаб 10 кун мобайнида “Сотиб олувчи”га товарни етказиб беради.

4.5. «Сотиб олувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.3-бандида етказиб берилиши лозим бўлган товарларнинг умумий суммасига нисбатан пул маблағи қисмларга бўлиб тулов амалга оширган тақдирда товар ҳам шу утказилган пул маблағига мутаносиб равишда етказиб берилади.

418

V. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Етказиб беришнинг тегишли даврида товарларни етказиб берилган кечиктирилганлик ёки тулик етказиб бермаганлик учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"га етказиб берилган лозим бўлган, аммо етказиб берилиши кечиктирилган бўлиши тўлиқ етказиб берилмаган товар суммасининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2 Сифати лозим даражада бўлмаган товарни етказиб берганлиги учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"га сифати лозим даражада бўлмаган товар киймати 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.3 Етказиб беришнинг тегишли даврида товарларни етказиб берилган кечиктирилганлик учун "Етказиб берувчи" "Сотиб олувчи"га кечиктирилган хар бир етказиб бериши лозим бўлган товарлар суммасининг 0.4 фоиз миқдорда, лекин кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 "Сотиб олувчи" "Етказиб берувчи" томонидан етказиб берилган товарлар учун тегишли тўловни кечиктирилиши учун тўлови кечиктирилган хар бир кун учун қарздорлик суммасининг 0.4 фоиз миқдорда, лекин тўлови кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

VI. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

6.1 Ушбу шартномага киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимча тарафлар томонидан ёзма равишда расмийлаштирилган тақдирдагина ҳақиқат ҳисобланади.

6.2 Шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилишини мумкин.

VII. КУШИМЧА ШАРТЛАР

7.1 Шартнома икки нусхада тузилади, хар иккиси ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга бўлиб, томонлар имзолаган кундан эътиборан қонуний кучга киради ва 2022 йил 1 декабр кунигача қадар амалда бўлади.

7.2 Ушбу шартномани бажариш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йули билан ҳал этилади.

7.3 Низоларни музокаралар олиб бориш йули билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низо ҳал қилиш тегишли тартибда Наманган туманлар иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

7.4 Шартномани 1-иловасидаги етказиб берилаётган товарларнинг тафсилот рўйхати ва 2-иловасидаги баҳони келишув баённомаси ушбу шартноманинг ажрал қисми бўлади.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ РЎКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«СОТИБ ОЛУВЧИ»



«НАМ ЭЛЕКТРО» МЧЖ
Манзил: Наманган шаҳар,
Туракуртон кўчаси 146-уй
Х/р. 2020800004809282001
Ўзсаноатқурилишбанк Наманган
Филиали МФО: 00224 ИНН: 301362063

[Signature]

А.Мухитдинов



«Наманган ХЭТК» АЖ
Наманган ш., Маргилон кўчаси-8
Х/р. 20210000100510058001 МФО
АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Наманган
Филиали МФО: 00224 ИНН: 200048685
Код: 14010005779

[Signature] Ж.Халилов

[Signature]

"31" 03 2022 йилдаги 342-сонли шартномага 1-сонли илова

МАХСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

T/p	Махсулот тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий нархи
1	2	3	4	5	6
1	Изолятор ЛК 70/110 кв	дона	150	500000	75000000
2	Аппаратный зажим АЗ 300	дона	200	149750	29950000
3	Аппаратный зажим АЗ 400	дона	200	348000	69600000
	Жами				174550000



«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«NAM ELEKTRO» МЧЖ

А.Мухитдинов



«СОТИБ ОЛУВЧИ»

«Наманган ХЭТК» АЖ

Ж.Халилов